

Халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига риоя қилинмаганлиги ва айбланувчининг рухий ҳолати стационар тартибда экспертизадан ўтказилмаганлиги сабабли апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2008 йил 18 декабрдаги ҳукмига кўра, С. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и,п» бандлари, 164-моддаси 4-қисми «в» банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 18 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган.

Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги ҳамда 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актларининг 7-банди «б» кичик бандлари татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 13 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, С. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганликда айбли деб топилган.

С. уюшган гуруҳ таркибида жиноий шериклари О., М. билан Н. раҳбарлигида А.ни қасддан ўлдириб, унинг ёнида бўлган 3.000.000 сўм пулларини босқинчилик йўли билан эгаллаш ҳақида режа тузганлар.

2005 йил 12 февраль куни Н. ва М. Тошкент шаҳридан А. билан бирга поезд ва йўловчи автомашинада Наманган шаҳрига келишган. Жиноий режага кўра, уларни С. ва О. келишилган жойда кутиб олган. Сўнгра барчалари О.нинг автомашинасига ўтириб, Наманган шаҳар «Истиқлол» МФЙ ҳудудида кетаётганларида Н. А.дан пул солинган хўжалик сумкасини беришини талаб қилган. А. унга қаршилик кўрсатиб пулни бермаслигини айтганида Н. унинг бўйнидан бўғган. А. унга қаршилик кўрсатиб, автомашинадан чиқиб кетмоқчи бўлган пайтда М. боши ва елкасидан ушлаб автомашина салони ичига итариб ушлаб турган, Н. ботинкаси ипини ечиб, А.ни бўйнидан бўғиб қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг С., М., О. ва Н. А.нинг жасадини автомашина юкхонасига жойлаштириб, Наманган шаҳар, 2-Соҳил кўчасига олиб бориб, шу ердан оқиб ўтган Шимолий Фарғона каналига ташлаб, унинг сумкасидаги 3.000.000 сўм пулларни ўзаро бўлиб олиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлар.

“Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги 1993 йил 22 январдаги Минск Конвенциясининг 66-моддаси ҳамда Жиноят процессуал кодексининг 600-моддасида Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат ушлаб берган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Иш бўйича қонун ҳамда халқаро Конвенция талабларига риоя қилинмаган.

Иш материалларидан кўринишича, дастлабки тергов органи томонидан С.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “и,п” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги ҳақида айб эълон қилинган.

Бироқ С. терговдан яширинганлиги туфайли унга нисбатан 2005 йил 1 апрель куни қидирув эълон қилинган.

Кейинчалик С. Қозоғистон Республикасида ушланганлиги муносабати билан унга оид жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари тикланиб, 2008 йил 30 май куни С.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “и,о,п” бандлари, 164-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари, 134-моддаси билан тўлдирилган ҳолда айб эълон қилинган ҳамда уни ушлаб бериш тўғрисида Қозоғистон Республикасига сўров юборилган.

Қозоғистон Республикаси томонидан С.ни қасддан одам ўлдириш ва босқинчилик жиноятлари билан жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилган бўлиб, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексидан мурдани таҳқирлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги сабабли, Жиноят кодексининг 134-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилмаган.

Шундан сўнг кўрилган чора-тадбирлар натижасида С. Ўзбекистон Республикасига этап қилинган.

Бироқ дастлабки тергов органи Қозоғистон Республикаси томонидан С.нинг Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “и,о,п” бандлари, 164-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилган бир вазиятда, унга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан айб эълон қилинган.

Суд эса, дастлабки тергов органининг хатосини тузатиш ўрнига С.нинг айбидан Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми «а» бандини чиқариб, уни Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми “в” банди билан ҳукм қилган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **“Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 27-банди 2-қисмида айбдор томонидан Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси стационар шароитда ўтказилиши шартлиги назарда тутилган.

Иш бўйича Пленум қарорининг ушбу талабига риоя қилинмаган.

Дастлабки тергов органининг амбулатор тартибда судга оид психиатрия экспертизасидан ўтказиш ҳақидаги қарори асосида С.нинг руҳий ҳолати Наманган вилояти руҳий касалликлар диспансерида экспертиза ўтказиш йўли билан текширилган. Бироқ текшириш натижалари бўйича тузилган хулосанинг биринчи варағида С. ҳақида сўз юритилган бўлиб, кейинги варағида жиноят ишига алоқаси бўлмаган Д.нинг жиноят содир этган вақтда руҳий ҳолати бузилмаганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органининг бепарволиги туфайли иш бўйича ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган С.га эмас, балки ишга мутлақо алоқаси бўлмаган Д. исмли шахсга берилган амбулатор судга оид психиатрия экспертиза хулосаси жиноят ишига илова қилинган.

С.нинг жиноят содир этган вақтдаги руҳий ҳолати амбулатор ёки стационар тартибда экспертиза ўтказиш йўли билан текширилмаган бўлса-да, суд бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Апелляция инстанцияси суди қайд этилган хато-камчиликларни эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 16 июндаги ажрими билан С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 13 январдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят ишини янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилди. Иш бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан дастлабки тергов органи ходимлари ҳамда ишни кўрган судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Назорат иши ЖСХ-140-11